



Хижрий 36 (милодий 656) йили халифа Хазрати Усмон ўлдирилганидан кейин Сабийя фиркаси мусулмонлар орасига фитна солиб, Муовия ва Хазрати Алини бир-бирига гиж-гижлаётган бир пайтда Византия императори Сурия устига юриш бошлашга қарор қилди. Шунда Шом (Сурия) волийи (хокими) Муовия императорга куйидаги мазмунда мактуб жўнатди: «Агар Шом устига ҳаракат қилаётганинг рост бўлса, дарҳол халифа Али билан бирлашиб, шахсан сенинг устингга бостириб бораман. Аллоҳга қасамки, давлатинг пойтахти Қустантанияни ер билан яқсон қиламан, қулини қўкка совураман». Таассуфки, илохий муқаддарот бундай тажалли этмади, Халифа Али ва волий қўшинлари Сиффийнда тўқнашишди, мусулмонлар қони сел бўлиб оқди.

Зақои Қўнрапа, «Хазрати Пайгамбаримиз ва Ислом дини», Тошкент, 1995 йил

